

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ МУАССАСАЛАРИДА  
БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРНИНГ НАЗОРАТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Д.Э.Норбеков*  
ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби”  
кафедраси доценти, и.ф.н.

**Аннотация:** Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳосил бўлиш манбалари ва уларнинг назоратига оид ахборотларнинг зарурлиги тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** бюджет ташкилотлар, бюджетдан ташқари маблағлар, даромад, ҳисоб, харажат

Халқ таълим тизими муассасаларида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан тўғри фойдаланиш ва фойдаланиш ҳолатини назорат қилишга эҳтиёж сезилмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет ва бюджет ташқари маблағлар билан таъминланадиган халқ таълим тизими муассасаларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш назоратини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Халқ таълим тизими муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларни сарфлашда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни келиб чиқиш сабаби молия ҳамда назорат идоралари ҳодимларининг улар олдида қўйилган асосий вазифа-бюджет интизомига риоя этишни таъминлашга масъулият билан ёндашишни талаб қилади.

Халқ таълим тизими муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси чуқур таҳлил қилиниши, талаб даражасида назорат ўрнатилиши, маблағларни мақсадли сарфлаш тўғрисида кенг доирадаги тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилиши лозим.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3231-сон Қарори қабул қилинди ва унда, бошқа соҳалар қаторида халқ таълими тизимида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқармаларида ҳам ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилиши белгиланди[1].

Ташкил этилган ички аудит ва молиявий назорат хизматларининг «асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

1) марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг — марказлаштирилган тартибда қуйи муассасаларнинг харажатлар сметаси тузилиши ва ижро этилишини, иш ҳақининг ҳисобланиши ва тўланишини, товар, иш ва хизматларнинг харид қилинишини, бюджет ва бюджетдан

# BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI


ташқари маблағлар ҳисобининг юритилишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг фаолияти профили бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушадиган даромадлар мониторингини юритиш;

2) республика даражасидаги ҳамда ҳудудий ички аудит ва молиявий назорат хизматларининг — бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши ва талон-тороғ қилиниши ҳолатларининг қуйидаги йўллар билан профилактикасини таъминлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича:

бўйсунувидаги муассасаларда харажатлар сметасини режалаштириш ва унинг ижроси, бюджет ҳисобининг юритилиши, тендер (танлов) савдоларининг ўтказилиши ва шартномалар тузилиши устидан мониторинг қилиш;

қонунни бузиш ҳолатларини, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида қуйи муассасаларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш [2].

Ҳозирги халқ таълими тизимида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари республика ва ҳудудий даражада ташкил этилган. Ўз навбатида, ҳудудий даража ташкил этилган ички аудит ва молиявий назорат хизмати ташкилий тузилма ҳамда штат жадвалига асосан ҳудудий бош бошқарма ва бошқарма таркибига киради (1-расм).



## 1-расм. Халқ таълими тизимида ташкил этилган ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкилий тузилмаси

Ҳудудий даражада ташкил этилган ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимлари ташкилий тузилма ҳамда штат жадвали бўйича ҳудудий бош бошқарма ва бошқарма бошлиқларига бўйсунуши ва ҳисобдор эканлигини англатади. Бундай ҳолатда, ички аудит хизматининг мустақиллик, объективлик, ҳисобдорлик ва ҳолислик принциплари таъминланаши шубҳа остида қолади. Сабаби, ички аудит хизматлари ўз вазифаларини бажаришда фақат вазирлик ва идоралар биринчи раҳбарига

бўйсунishi ҳамда унинг фаолиятига таъсир этувчи бошқа омиллардан холи бўлиши зарур[3]

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3231-сон Қарори
2. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: “Иқтисод молия”, 2016.
3. Narbekova G.D. «Theoretical and methodological problems of extra-budgetary accounting in educational institutions» // IMPACT: International Journal of Research in Business Management, Vol. 10, Issue 10, Oct 2022, pp. 1–10.
4. Umarov Z.A. Tijorat banklarida kredit operatsiyalari hisobi va auditining nazariy-uslubiy masalalari / Monografiya, IQTISOD-MOLIYA, 2021 yil, 127 b.
5. Toymuxamedov I., Umarov Z., Xusainov G. Naqd pulsiz hisob-kitoblar va to‘lov tizimi. O‘quv qo‘llanma. – 2018.
6. Umarov Z.A. Banklarda buxgalteriya hisobi. Darslik. –Т.: “Innovatsion rivojlantirish nashriyot-matbaa uyi” 2021, 612 b.
7. Umarov Z.A. Yangi bank xizmatlari, ularni rivojlantirish Bozor, pul va kredit jurlali №1 2019 y.
8. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.
9. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759
10. Klichev Bakhtiyar Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
11. Kholdorov Sardor Umarovich. (2024). LIQUIDITY RISK MANAGEMENT IN THE BANKING SECTOR: CHALLENGES, STRATEGIES AND IMPLICATIONS. World Scientific Research Journal, 26(3), 122–131. Retrieved from <http://www.wsjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3255>
12. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. World Scientific Research Journal, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>
13. Косимович, Я. У. (2024). Ташки савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини тахлили. World scientific research journal, 26(2), 199-205.
14. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
15. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent:, «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.
16. Кlichev, B. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тахлилинини такомиллаштириш масалалари. *Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики*, 1(01), 170–173. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
17. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. *Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari*,

# BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

*Konferensiya to‘plami. Termiz, O‘zbekiston. 15-iyun 2024-yil.*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>

18. Yakypbaevich, I. J. ., Abrarovich, Y. J. ., Akhtamovich, H. S. ., & Bekmurodova. (2023). COMMERCIAL BANKING, CREDIT OPERATIONS, PROVISION OF COLLATERAL, ASSESSMENT MECHANISMS. *FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA JURNALI | JOURNAL OF SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND INNOVATION*, 2(4), 6–13. Retrieved from

<https://mudarrisziyo.uz/index.php/innovatsiya/article/view/251>

19. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from

<http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>

20. Abdullayev, A., & Djamalov, H. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE INTERNAL CONTROL SERVICE FOR THE FULFILLMENT OF TAX OBLIGATIONS OF ENTERPRISES. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 8(4), 297-307.

21. Худоёров О.О. (2023). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамли банк технологияларини жорий қилиш . *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 99–107. Retrieved from

<http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>

22. Xudoyorov, O. O. (2023). Bank daromadlarini oshirishda masofaviy bank xizmatlarini tutgan o‘rni.

23. Odilovich, K. O. (2024). IMPACT OF REMOTE BANKING SERVICES ON BANK INCOME. *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, 12(6), 82-86.

24. Majidov, J. K. (2019). Ways of improving management of credit portfolio at commercial banks. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(3), 725-736.

25. Мажидов Ж. (2024). Тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. (2024). *Ustozlar Uchun*, 1(4), 1463-1467. <https://pedagoglar.org/index.php/02/article/view/3878>